# Қорақалпоқ тилидаги синоним аллофраземаларнинг баъзи семантик хусусиятлари

**Ҳайтбоев Ойбек –** ўзбек тили кафедраси ўқитувчиси

**Аннотация**

Мақолада қорақалпоқ тилидаги аллофраземаларнинг семантик хусусиятлари изоҳланган. Шунингдек, уларни тилшуносликда тасниф қилиш усуллари кўрсатилган. Аллофраземалар компонентларининг ўзаро муносабати ўрганилган.

**Калит сўзлар:** фразеологик вариантлар, аллофраземалар, лексик вариантлар, грамматик вариантлар, фразосемема, фразеологик синонимия, гапга тенгқурилишли бирикма.

Аллофразема деб қаралувчи бирликлар асосида айни бир образ ётади, аллофраземалардан айни бир луғавий маъно англашилади; аллофраземалар туфайли фраземага хос яхлитлик йўқолмайди, балки шу яхлитлик сақланган ҳолатда воқе бўлади. Баъзи тилшунослар фразеологик вариантлар (аллофраземалар)ни “образ ва синтактик конструкция бирлиги” сифатида талқин қиладилар[1: 75].

Рус тилшуноси А. В. Белобородова аллофраземаларнинг ҳосил бўлиши тўрт йўл билан амалга ошишини таъкидлайди:

1. Лексик вариантлар. Бунда маънога таъсир қилмаган ҳолда бир ёки бир неча компоненти алмашиши мумкин.

2. Морфологик вариантлар. Бунда компонентларда бири ўзининг морфологик категориясини ўзгартиради.

3. Сўз ясалиш варианти. Бунда морфологик асосда трансформация ҳодисаси юз беради.

4. Квантитатив вариантлар ёки сон жиҳатдан вариантлашиш типи[2: 27-29].

Ўзбек тилшуноси проф. Ш.Раҳматуллаев аллофраземаларнинг уч турини ажратиб кўрсатади: лексик аллофраземалар, грамматик аллофраземалар, лексик аллофразема билан грамматик аллофраземанинг биргаликда намоён бўлишига тенг бўлиб, лексик-грамматик аллофразема деб юритилади[3:422].

Қорақалпоқ тилшуноси Б.Юсупова уларни фразеологик вариантлар деб атайди. Вариантлар таркибида айрим компонентларнинг ўзгартирилиши ва қисқартилиши натижасида вариантлар ҳосил бўлиши кўрсатиб ўтилади[4: 90].

Аллофраземалар фразеологик синонимлардан фарқ қилади. Фразосинонимлар бир-бирига асосий семалари тенг келади, айрим семалари (ёки битта семаси) билан фарқланади. Масалан қорақалпоқ тилида ***арбаны аўдарып алыў*** фраземаси семантик таркибида “ноўрин, мавзуга алоқаси бўлмаган гапни айтиб қўймоқ, ноқулай вазиятга тушмоқ” семалари мавжуд. Масалан: *Арамызда бираз ўақыт унсизлик ҳуким сурди. Ол не деп гап басларын билмегендей, меннен гап куткенге усап ўақты-ўақты қарап қояр, ал мен болсам жане “**арбаны аўдарып алыўдан**” қорқып, жақсысы, ундемегенди мақул билип келер едим* (М. Нызанов). Мазкур фразема ***гөжени төгип алыў*** фраземасига синоним бўлиб ҳисобланади. Улар семантикасидаги семалар таркиби ўхшаш. Ҳар хил образга асосланганлиги жиҳатидан фарқланади. Масалан: *–Яқ, жазбан, Оксана. Меники дусмалый гап. Балким, Жумабай аға асырып айтқан шығар. Мен озимнин “**гөжени төгип алғанымды**” сездим.* (М. Нызанов).

Тилшунослар аллофраземалар таркибида кўпинча баъзи бир компонентлар алмашиши, жумладан, синоними компонентлар алмашишини таъкидлайдилар. Қорақалпоқ тилидаги жүреги таза, кеўили таза фраземалари таркибидаги юрак ва кеўил компонентлари ўзаро синоним ҳисобланади: *Екиншиден, ол бизлердей **жүреги таза** қудайдан тилеген адамларды диннен бездирип, жолдан азғырып, халықты бизге қарсы қойып, көзимиздиң тирисинде жипә-жиксиз жер менен жексен етпекши.*(О.Хожаниязов). *Жаҳангирдиң балалары өзиндей **кеўили таза**, тил қайырмайтуғын, жақсы жигитлер болып өсти.* (Ө. Хожаниязов).

Қорақалпоқ тилидаги ***жер менен жексен етиў*** фраземаси семантик таркибида “бутунлай емирилмоқ, йўқ бўлмоқ” семалари мавжуд. Масалан: *Екиншиден, ол бизлердей жүреги таза қудайдан тилеген адамларды диннен бездирип, жолдан азғырып, халықты бизге қарсы қойып, көзимиздиң тирисинде жипә-жиксиз **жер менен жексен етпекши:** Әне, ол соның ушын гүнәкар.* (Ө.Хожаниязов). ***Жер менен жексен болыў*** фраземаси юқоридаги фраземанинг аллофраземаси ҳисобланади: *Ержан аға, енди биз өзлеримиздиң душпанларымыз **жер менен жексен болыўы** ушын ишейик.* (Т.Қайыпбергенов). Фраземалар таркибидаги ***ет*** феъли ***бол*** феъли билан алмашиши натижасида аллофразема ҳосил бўлган.

Қорақалпоқ тилидаги ***көзиниң астынан қараў*** фраземасининг семантик структурасида “яширинча, сездирмай қарамоқ” семалари мавжуд. Масалан: *Ақсақал және үндемеди, тек **көз астынан** қарап, тынып отыр.* (Ө. Хожаниязов). Фраземанинг грамматик аллофраземаси баъзи грамматк

кўрсаткичларнинг алмашиши билан ҳосил бўлади: *Ҳәр кимлерге анда-санда* ***көзиниң астынан*** *бир қарап қояды* (Ө. Хожаниязов). Мазкур мисолда от сўз туркумига оид сўзга қаратқич келишиги ва эгалик қўшимчаси қўшилиши натижасида аллофразема ҳосил бўлган.

Қорақалпоқ тилидаги ***жүреги ҳәўлириў, жүреги шәўкилдеў, жүреги дүрсилдеў*** фраземалари аллофраземалар саналади. Семантик таркибида “бирон нарсани кутиш натижасида ҳаяжонланмоқ” семалари мавжуд. Масалан: *Бир бурым түўе еки бурым етип шашын ҳәп заматта өрип таслайтуғун шәбик қоллары қалтырап,* ***жүреги дүрсилдеди*** (К.Султанов). *Бул суўық хабарды еситип «әлле қандай заман болады!» деп* ***жүреги ҳәўлирген*** *кемпир үйде Жәмийла жоқ ўақытта бир саўасын таўып, ақылласыў ушын Мәтеке менен Қәлийланы шақыртып алды.* (К.Султанов). *Тула бойы сергексип,* ***жүреги қуўаныштан шәўкилдеп*** *соқты* (К.Султанов). Кейинги мисолда ***қуўаныштан*** компоненти қўшилиши орқали аллофразема ҳосил бўлган.

Хулоса қилиб айтганда, аллофраземалар бир фраземанинг бошқача кўриниши бўлиб, тилшуносликда улар ҳар хил йўллар билан ҳосил бўлиши кўрсатилган. Қорақалпоқ тилида ҳам улар лексик компонентларини алмаштириш, қўшиш, ташлаш йўллари билан, грамматик аллофраземалар эса морфемаларни алмаштириш йўллари билан ҳосил бўлади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Юздова Л. П. Категория квалитативности в языке. Анализ качественно-обстоятельных фразеологизмов. Монография. –Челябинск: Изд-во Челяб.гос. пед. ун-та, 2007. – С.75

2. Белобородова А.В. Вариативность фразеологических единиц репрезентирующих концепт «Безразличие» в русском и английском языках.// Филологические науки. Вопросы теории и практики Тамбов: Грамота, 2009 №1(3). – С. 27-29.

3.Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили. – Тошкент: Университет, 2006. – С. 422

4. Юсупова Б. Қарақалпақ тилиниң фразеологиясы. – Тошкент: Tafakkur qanoti, 2014. –С. 90.

5. Yodgorova, N. T., Ibodov, B. A., Tashpolatov, A. K., Uzokov, J. E., & Abdunabiyev, R. N. (2023). Role of amniocentesis in the prevention of chromosomal gene diseases.

6. Abdullayeva, G. (2022). POETICS OF EDUCATIONAL POEMS IN CHILDREN'S LITERATURE. Thematics Journal of Education, 7(2).

7. Aslanov, A. S., Subhonova, A. A., Avilova, K. H., & Saydullayeva, M. A. (2021). Impacts Of Language Learning On The Development Of Cognition. The American Journal of Social Science and Education Innovations, 3(09), 56-59.